



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 99 (12.660)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг IV саммити йиғилишида иштирок этиш учун Хитой Халқ Республикасига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва ХХР Раиси Си Цзиньпин 20 май куни Хитой раҳбарининг Шанхай шаҳридаги қароргоҳида учрашув ўтказди. Сўхбат чоғида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини юксак баҳолади ва ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини белгилашда бундай учрашувлар муҳимлигини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланиётганини қайд этиб, Хитой раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

ХХР Раиси мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш тарафдори эканини таъкидлади. Си Цзиньпин Ўзбекистон раҳбари билан бундан буён ҳам яқин шахсий мулоқотни давом эттиришга, икки томонлама муносабатларда «янада юксак марраларга эришиш учун барча саъй-ҳаракатларни ишга солишга» тайёр эканини қайд этди.

Хитой раҳбари давлатларимиз ўртасида минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш лозимлигини таъкидлади. Си Цзиньпин Ўзбекистон минтақадagi муҳим давлат эканини қайд этиб, Осиё мамлакатлари ўртасидаги ишонч, минтақадagi тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт борасида мамлакатимиз билан ўзаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришни таклиф этди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга илк давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда тарихий воқеа, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётган асосларининг амалий ифодаси экани таъкидланди. Тошкентда бўлиб ўтган музокара-лар якуни бўйича Ислон Каримов ва Си Цзиньпин Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларацияни имзоладди. Шунингдек, техник-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, иқтисодий, молиявий, нефть-газ, таълим соҳаларидаги муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Айни пайтда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамда Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация руҳида барча соҳаларда ривожланмоқда. Ўзаро манфаатдорликка асосланган ушбу ҳамкорлик муносабатларининг барча йўналишларини қамраб олган. Бунда давлат раҳбарларининг ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳидаги шахсий мулоқотлари муҳим омил бўлмоқда. Олий даражадаги учрашувлар ва ташрифлар мунтазамлик касб этган.

Ўзаро савдо айланмаси ҳажмининг барқарор ўсиб бораётгани ҳам диққатга сазовордир. Масалан, сўнгги олти йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 6 баробар ошди ва 2013 йилда 5,2 миллиард долларга етди.

Эслатиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил июнь ойида Хитойга ташрифи чоғида ўттиздан ортиқ инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган 5,3 миллиард доллардан зиёд миқдордаги ҳужжатлар имзоланган.

ХХР Раисининг 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида умумий қиймати 15 миллиард долларга тенг лойиҳаларни амалга оширишга оид 31 ҳужжат имзоланди. Ушбу ҳужжатларда Хитойдан 7,7 миллиард долларлик молиявий ресурслар, шу жумладан, Хитой компанияларининг 1,3 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестициялари, ушбу мамлакат банкларининг 6,1 миллиард долларга тенг кредит маблағлари ва 0,3 миллиард долларлик давлат грантларини жалб этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистонда Хитой капитали иштирокидаги 466 корхона, жумладан, тўла Хитой сармояси билан ташкил этилган 77 корхона фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда Хитойнинг 71 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Нохомашё ва юқори технологияли соҳаларда ҳам инвестициявий шериклик изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Хитой ҳукуматлари ўртасида 2010 йилда имзоланган Ҳамкорлик

дастури бу борада муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ХХР раҳбарияти томонидан 2011 йилда илгари сурилган Хитой компаниялари иштирокида Ўзбекистон – Хитой юқори технологиялар саноат паркни ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватлади. Ушбу мақсадда 2013 йилнинг март ойида Сирдарё вилоятида филиали бўлган «Жиззах» махсус индустриал зонаси ташкил этилди. 2013 йил июнь ойидан бошлаб ушбу индустриал зона ҳудудида мобил телефонлар, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Жорий йилда «Жиззах» махсус индустриал зонасида Хитой компанияларининг қиймати 50 миллион доллардан зиёд тўғридан-тўғри инвестициялари иштирокида ўн бешдан ортиқ қўшма лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Ёқилги-энергетика комплексига ҳам ХХР билан ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Марказий Осиё – ХХР газ қувурининг тўртта тармоғи ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтиши нефть-газ соҳасида юксак даражадаги ўзаро ишонч ва яқин ҳамкорликдан далолат беради.

Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси нафақат истиқболли углеводород конларини ўрғаниш ва уларни ўзлаштириш, балки Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширишда ҳам қатнашмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг долзарб стратегик йўналишларидандир. Бу Хитойнинг Марказий Осиё, ундан кейин Жанубий Осиё мамлакатларига чиқиши таъминлайди. Мазкур йўналиш Ангрен-Поп темир йўли қурилиши лойиҳасини ўз ичига олган. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ва Хитойнинг «China Railway Tunnel Group» компанияси ўртасида доводан туннель орқали ўтадиган Ангрен-Поп темир йўлини қуриш бўйича умумий қиймати 455 миллион долларлик шартнома имзоланди ва хитойлик ҳамкорлар иштирокида 2013 йилнинг июнь ойида мазкур йўл қурилиши бошланди.

Молиявий соҳадаги ҳамкорлик, жумладан, Хитой Давлат тараққиёт банки ва Эксимбанки билан алоқалар фаол ривожланмоқда. Хитой молия институтларининг жами кредитлари ҳажми 4,5 миллиард доллардан, шу жумладан, ҳукумат кафолатисиз кредитлар 3,5 миллиард доллардан ошди.

Таъкидлаш жоизки, Хитой Давлат тараққиёт банки энергетика, транспорт, телекоммуникация, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа йўналишлардаги умумий қиймати 3,8 миллиард доллардан зиёд турли лойиҳаларда иштирок этмоқда.

Хитойнинг Эксимбанки томонидан 2005 йилда бошлаб умумий қиймати 1,15 миллиард долларлик 32 лойиҳани молиялаштириш тасдиқланган.

Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни, фан ва техника, туризм соҳаларидаги ҳамкорликни ҳам янада ривожлантириш устувор аҳамиятга эгадир. Таъкидлаш керакки, 2013 йил 15 май куни Шанхай шаҳрида Хитойда биринчи марта Шанхай университети ҳузуридаги ШХТ Жамоат дипломатияси илмий-тадқиқот институти негизда Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази очилди. Тошкент ва Шанхай, Самарқанд ва Сиан, Навоий ва Чжунжоу шаҳарлари, Тошкент вилояти ва Хунан вилояти, Самарқанд вилояти ва Шэнси вилояти ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилган.

Икки давлат раҳбарларининг бу галги учрашуви Ўзбекистон билан Хитой ўртасида ўзаро манфаатли ва барқарор ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга ва стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Президент Ислон Каримов самимий сўхбат ва самарали мулоқотдан сўнг ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммитига аъзо давлатлар раҳбарлари шарафига ташкил этилган Хитой санъат усталарининг тантанали концертига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хитой Халқ Республикасига ташрифи давом этмоқда.

Баҳодир ЭРҒАШЕВ,
ЎЗА махсус мухбири

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



2014 йил — Соғлом бола йили

НАМУНАЛИ ВА АҲИЛ ОИЛАЛАР

Пойтахтимизда «Энг намунали оила» республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида ғолибликни қўлга киритган оилалар иштирок этди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида оиланинг ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масаласига доимий эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг бир қатор фармон ва қарорлари, ижтимоий аҳамиятга молик давлат дастурлари оилаларга ҳар жиҳатдан қўмақлашиш, уларнинг моддий фаровонлиги ҳақида ғамқўрликни кучайтириш, оилада маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ақриқларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида мустақил ҳаёт қуриш остана-сидаги ёшларнинг никоҳдан олдинги тиббий кўрикдан тўлиқ ўтишини таъминлаш, бу борадаги тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш, тўй-маросимларда исрофгарчиликларга йўл қўймаслик, оилада ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат муҳитини, юксак маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

(Давоми 3-бетда)

Аввал хабар қилинганидек, 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. ЎЗА махсус мухбири анжуман иштирокчиларининг таассуротлари билан қизикди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ЎЗИНИНГ БОЙ ТАРИХИ ВА БУГУНИ НУФУЗИ БИЛАН ФАХРЛАНСА АРСИЙДИ

Марк БОННЕЛ, «Абу Али ибн Сино – Франция» уюшмаси президенти, профессор (Франция):

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг конференция очилишидаги нутқи менда катта таассурот қолдирди. Ислон Каримов илмий фаолиятимга юксак баҳо берганидан бошим осмонга етди.

Юксак савияда ташкил этилган ушбу халқаро конференция ҳар бир иштирокчи учун ғоят самарали бўлди. Тадбир давомида биз, хориқлик меҳмонлар Ўзбекистоннинг нафақат илм-фан соҳасида, балки сайёҳлик, маданият, иқтисодиёт, қурилиш, таълим тизимида ҳам улкан салоҳиятга эга эканига гувоҳ бўлдик.

Самарқанд юксак ақл-заковати, маънавий жасорати билан жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўшган қўллаб-алломалар учун камолот бешиги бўлган. Халқингиз ўзининг бой тарихи ва бугунги юксак нуфузи билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

«Абу Али ибн Сино – Франция» уюшмаси президенти сифатида буюк олим Ибн Синонинг илмий ва ижтимоий меросини тадқиқ этишга ўз ҳиссамни қўшаётганимдан мамнунман. Машҳур олимнинг «Тиб қонунлари» асари асрлар давомида Европанинг энг нуфузли олий ўқув юртларида асосий дарслик сифатида ўқитиб келинган, дунё микёсида «тиб-биёт», «соғлом турмуш тарзи» деган тушунчаларнинг фундаментал асоси бўлиб хизмат қилгани барчага яхши маълум. Президент Ислон Каримов ўз нутқида таъкидлаганидек, бу китоб Европада XV асрда чоп этилган дастлабки китоблардан бири бўлган ва Европанинг етакчи университетларида қарийб 500 йил давомида тиббиёт илми ана шу асар асосида ўқитиб келинган. Бу бе-назир алломанинг бутун илмий фаолияти дунё тараққиётини инсонпарварлик руҳида, яъни, маънавий негизда ривожлантиришга улкан таъсир ўтказди, деб айтишга барча асослар бор.

(Давоми 2-бетда)

XXI саҳоси

Барча манбалардан
олинган сўнгги
хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бухорода ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда қўйи босқичларда ғолиб бўлган 14 жамоа ўзаро баҳслашди.

• Наманганда вилоятдаги болалар ёзги дам олиш масканларида жорий мавсумга кўрилатган тайёргарлик ишларига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди. Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан ташкил этилган тадбирда болаларни ёзги дам олдириш мавсумига масъул давлат ва жамоат ташкилотлари, оромгоҳларнинг раҳбар ва мутахассислари иштирок этди.

• Жиззах вилоятида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида китоб байрами ташкил этилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари вакиллари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

• «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Саломатлик» поездди Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги «Сариосиё» темир йўл бекатида кутиб олинди.

• Нукусда «Ёш кутқарувчилар» му-собакасининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Фав-кулодда вазиятлар бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳарака-ти, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлиги-да ташкил этилган беллашувда тўрт жамоа беш шарт бўйича ўзаро куч си-нашди.

ЖАҲОНДА

• Халқаро электр алоқаси уюшмаси маълумотларига қараганда, жорий йил охирига бориб, дунёда Интернет-дан фойдаланувчилар сони 3 миллиардга етади. Уларнинг учдан икки қисми ривожланаётган мамлакатларда яшаётганлар ҳиссасига тўғри келиши таъкидланмоқда. Бу борада европаликлар энг юқори кўрсаткичга эга. Зеро, тез орада ушбу қитъадаги аҳолининг тўртдан уч қисми Интернет тармоғидан фойдалана бошлайди.

• Колумбиянинг Фундасион шаҳрида автобус ҳалокати натижасида ўттиз икки нафар бола ҳалок бўлди, ўнга яқин болаларга тиббий ёрдам кўрсатилди. Гап шундаки, ушбу автобус черковга кетаётган вақтида ёниб кетган. Маълумотларга қараганда, унинг саломидаги 50 нафарга яқин болага фақат ҳайдовчининг ўзи қараётган бўлган. Мамлакат президенти Хуан Мануэл Сантос ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига ҳам-дардлик билдирди.

• «Ливерпуль» ҳужумчиси Луис Су-арес ҳамда «Реал» клуби етакчиси Кристиану Роналду Европа миллий чемпионатлари тўпураклари пойгаси-да Испания ва Англия чемпионатида ўттиз биттадан гол киритган ҳолда ғолиб бўлишди. Энди ҳар икки фут-болчига нуфузли «Олтин бутси» соври-ни топширилади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунидан бошлаб Юртбошимиз раҳнамолиги ва ташаббуси билан бепоян юртимизнинг барча ҳудудларида улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилаётганлиги ҳар қандай кишига ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Жумладан, шаҳар кўрқига кўрк қўшиб келаётган юздан ортиқ канал ва ариқлар ободлигига эътибор, халқимизнинг «сув келтирган азиздир» деган нақлига мос тушади.

Бинобарин, шаҳримиз ҳудудидан оқиб ўтадиган канал ва ариқларни замон талаби асосида сақлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2013 йил 16 октябрдаги «Тошкент шаҳри ҳудудидagi каналларнинг санитария ҳолатини яхшилаш ва ободонлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Ободонлаштириш бош бошқармаси ҳузурида Каналларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлашга ихтисослаштирилган бошқарма ташкил этилди. Ушбу қарорга кўра шаҳримиз ҳудудидан оқиб ўтадиган барча канал ва ариқлар янгитдан ташкил этилган ушбу ихтисослаштирилган бошқарма тасаруфига ўтказилди.

Шу кунларда Тошкент шаҳрининг сўлим ғўшаларидан ҳисобланмиш Анҳор канали соҳилларини тартибга келтириш ва уни пойтахтнинг энг кўркем жойларидан бирига айлантириш борасида кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда.

Маълумки, Тошкент шаҳрини Анҳор каналисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шаҳарнинг қоқ марказидан оқиб ўтадиган бу канал шаҳар ландшафтининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Шунга қарамай каналнинг марказдан ўтадиган маълум қисми бир неча йиллардан бери қаровсиз ётарди. Унинг соҳиллари ноқонуний қурилишлар ва умумий овқатланиш масканларидан иборат эди. Сувга ташланаётган чиқиндилар экологияга жиддий зарар келтираётганди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 25 февралдаги фармойишининг ижросини таъминлаш борасида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2014 йил 28 февралдаги қарори асосида Навоий кўчаси йўналишидаги Анҳор кўпригини то Амир Темури шох кўчасигача бўлган оралиқда ўзига ҳос яшил ҳудуд барпо этилмоқда.

Оқордаги қарорга кўра бу борада «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси буюртмачи, «Ўзсувлойиҳа» ОАЖ бош лойиҳачи этиб белгиланган. Пудрат ишлари «Паркентсувқурилиш» ОАЖ то-

монидан олиб боришмоқда. Канал қирғоқлари бетонлаштирилиб, унинг ҳар икки томонида шаҳар аҳолиси ва меҳмонларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун йўлакчи сайилгоҳ яратилмоқда.

Анҳор канали атроф ҳудудларининг санитар ҳолати ва архитектура қиёфасини янада яхшилаш, дам олиш масканини барпо этиш борасида кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда.



АНҲОР КАНАЛИ: ОБОД ВА КЎРКАМ БЎЛАДИ



Жумладан, шу кун ҳолатига кўра каналнинг иккала қирғоғини мустаҳкамлаш учун монолит бетонлар қуйилди. Ер ости пиедалар йўлида фундамент ишлари қўйилди ва каналнинг таъмирлаш қисмидаги темир бетон тоннель блокида, кўприкларда ички пардозлаш ишлари олиб боришмоқда.

Анҳор канали бўйлаб кўкаламзорлаштириш учун янги сунъий суғориш тизими барпо этилмоқда. Бундан ташқари пиедалар йўлига бўйлаб замонавий тунги ёритиш устунлари ўрнатилди.

Канал бўйига бежирим темир панжаралар ўрнатиляпти. Сайр йўлакчари 7 метр кенгликдан иборат

Шаҳрим — фаҳрим

бўлиб, айна пайтда брусчаткалар билан қопланиши учун таг замин тайёрланмоқда.

Анҳорнинг юқорида қайд этилган қисмида барпо этилаётган пиедалар йўлига ҳамшаҳарларимизга нафақат ёзнинг жазирама кунларида сув бўйида маданий дам олиш имконини беради, балки оқшом чоғида барча ёшдагилар учун сеvimли оммавий сайил ғўшасига айланади. Замонавий ландшафт дизайни кўринишида ободонлаштирилаётган ва кўкаламзорлаштирилган бу ҳудудда айниқса болаларнинг яйраб дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилади. Жумладан, азиз болажонлар учун аттракционли махсус болалар хиббонлари барпо этилади.

Канал бўйлаб байдарка ва каноэда эшак эшиш базаси янада шакллантирилиб, спортнинг бу турларидан кенг фойдаланиш учун катта имкониятлар яратилади.

Соҳил бўйини ободонлаштираётган қурувчиларнинг таъкидлашича, ҳудуддаги йўлаклардан велосипед ҳайдовчиларининг ҳам фойдаланишлари ҳисобга олинмоқда.

Канал ёқасида қуйидаги янги объектлар барпо этилиши кўзда тутилган. Жумладан, каналнинг ўнг ёқасида, Сейсмология институти ёнида катта хиббон яратилади. Чап ёқасида эса ёпиқ турдаги аквапарк бунёд этилади.

«Ўзэкспомарказ» кўрғазмалар маркази ҳудудининг Анҳорга туташган қисми реконструкция қилиниб, кичикроқ бандаргоҳ қурилади. Бу ерда кайиқ ва катерларда канал бўйлаб сайрлар уюштирилади. Телемунора рўпарасидаги оролчада дам олиш ҳудуди ва кафе барпо этилади. Ҳозирги аквапарк ёнидаги катта ҳудудда турли спорт иншоотлари ва майдонлари қад кўтаради.

Осиё кўчасидаги кўприк яқинида, каналнинг ўнг қирғоғида Ўзбекистон Республикаси эшак эшиш спорти федерацияси жойлашади. Бу ерда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти учун янги бинолар ҳам барпо этилади.

Шунингдек, Олмазор туманида 19-сонли ҳамда Юнусобод туманида 39-сонли болалар ва ўсмирлар ихтисослашган эшак эшиш республика спорт мактаблари ҳам қурилади.

Ўрни келганда шуни таъкидлаш лозимки, сўлим Анҳор бўйида ташкил этилаётган янги оромбахш соҳил барчани ҳушнуд этмоқда. Канал бўйида олиб борилаётган кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларини давлатимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллиги арафасида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Ушбу бетакорр ва ҳушманзара иншоотларнинг ҳамшаҳарларимизга улғу байрам арафасида муносиб тухфа бўлиши, табиий.

Партиялар фаолиятидан

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроа қўмитаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва рақобатбардорлигини оширишнинг асосий йўналишлари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, корхоналарда махсулот ишлаб чиқаришни тубдан яхшилаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш асосида хом ашёни қайта ишлаб, ички ва ташқи бозор учун юқори сифатли, рақобатбардор махсулотлар етказиб беришни йўлга қўйиш, мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, ишбилармонлар манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалаларига эътибор қаратилди.

Хусусан, анжуманда сўз олган Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректори в.б. Б.Усмонов, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси аъзоси Н.Алимов, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш фонди ижроачи директори Ж.Мустафоев ва бошқалар бугун Ўзбекистон дунёдаги жадал суръатлар билан тараққий этаётган мамлакатлар орасидан ўрин олганлиги, бу борада давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ишловларни янада қучулаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида» кўзда тутилган аниқ мақсадли вазифаларнинг тўлиқ амалга ошириб келинаётганини қисқа муддат ичида иқтисодиётимизни ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқадиганлиги таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек, маърузачилар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат иқтисодиётини барқарор қилганини, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли дарамадини оширишнинг муҳим омилли ва иқтисодиётнинг пойдеворига айланиши, тадбиркорлик субъектлари манфаатлари ҳимоясини қонунчилик асосида таъминлаш, давлат, шу жумладан, назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик тўғрисидаги фаолиятига аралашувини чеклашнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаб бориш ЎзЛиДеП дастурий

вазифаларининг энг муҳим йўналишларидан ҳисобланиши ҳақидаги фикрларни билдириб ўтдилар.

Тадбирда таъкидланганидек, айна пайтда, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 55,8 фоизи, ички ишлаб чиқарилаётган жами саноат махсулотларининг 2,3 фоизи, қўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, махсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улуғлига тўғри келимоқда.

Айтиб ўтиш ўринлики, бугун Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлики давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ялғит тизими яратилди. Жумладан, соҳани ҳар томонлама тартибга солуви муҳим мезъорий ҳужжатлар базаси шакллантирилди, соҳа учун профессионал кадрлар тайёрлаш, тадбиркорлик субъектлари учун молиявий ресурслар, товарлар ва хизматлар бозоридан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаб бериш механизмлари ишлаб чиқилди.

Бунда Юртбошимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги Қарори билан тасдиқланган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Дастур соҳани тизимли ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Дастурга мувофиқ саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш, уларни энг замонавий юқори технология қурувлари билан жиҳозлаш, саноат тармоқларида илғор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш, юқори маалаки кадрлар тайёрлаш каби бир қатор муҳим чоралар белгиланган.

Кизиқари ва фойдали фикр-мулоҳазалар, таклиф ва ташаббуслар билан ўтган тадбир йўналишларда яхши таассурот қолдирди. Соҳа ривожига оид тавсиялар асосида қарорлар қабул қилинди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Мамлакатимизда электрон тўловлар тизимини янада ривожлантириш, уларнинг турини кенгайтириш, электрон тижорат учун қулай шартлар яратиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлики ахборотлаштириш ҳамда компьютерлаштириш кенгайтириш имконини берадиган дастурий махсулотлар ишлаб чиқётган «SSP-Marqand» унитар корхонаси бу борада катта ҳисса қўшмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари

ОНЛАЙН РЕЖИМИДАГИ БИЗНЕС — ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР МАЙДОНИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳўжалик юритиш бўйича замонавий бозор тизимининг ажралмас қисмидир. Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қулай ишбилармонлик муҳити шакллантирилди, ахборот-коммуникация технологиялари барча жаҳонларга жорий этилмоқда, электрон тўловлар ва ҳўжалик субъектлари ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб тизимлари самарадорлиги оширилмоқда. «Электрон тўловлар тўғрисида» ва «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 январда қабул қилинган «Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада ҳўқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди.

Ушбу ишлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузурида «SSP-Marqand» унитар корхонаси ташкил этилди. Тадбиркорлики ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини тақомиллаштириш, мамлакатимиз тадбиркорлари ва хўжалик ҳўқорлар ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга кўмаклашиш корхонанинг асосий вазифаларидир. Шунингдек, бу ерда электрон тўлов тизимлари, кичик бизнес ва хўсуий тадбиркорлик субъектлари учун турли дастурий махсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, электрон тижоратни ривожлантиришга доир ишлар олиб боришмоқда.

«SSP-Marqand» унитар корхонаси директори С.Мирзаевнинг таъкидлашича, «SMS-To'lov» электрон тўловлар тизимида тақдим этилаётган хизматлар тури муттасили ортб бормоқда. Жумладан, товар етказиб бериш ва хизмат қўрсатадиган корхоналар билан қарийб 60 шартнома имзоланди. Энди бу товар ва хизматларни электрон тўлов воситасида харид қилиш мўкин. Жорий йилдан бошлаб ушбу электрон тизимдан фойдаланувчилар сўғурта хизматлари тўловларини ҳам тўлаши мўкин. Тўловларга реал вақт режимида ишлов беришни тўлиқ автоматлашти-

риш, коммунал хизматлар таъминотчиларини банк тизими, биллинг тизимлари билан интеграциялаштириш таъминланмоқда. Ушбу тизим мобил телефон, шахсий компьютернинг веб-интерфейси орқали электрон тўловларни амалга ошириш имконини беради. Тўловлар хавфсизлиги «UNICON.UZ» илмий-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказининг тегишли ишланмалари ёрдамида таъминланмоқда.

Бундан ташқари, энди кичик бизнес ва хўсуий тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш давлат божини «SMS-To'lov» электрон тўловлар тизими орқали тўлаш мўкин. Мазкур янги интерактив хизмат тадбиркорлик имкониятларини кенгайтириш, рўйхатга олиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва тезлаштириш, фаолиятини энди йўлга қўётган тадбиркорлар учун барча зарур ҳўжатларни олишга кўмаклашади.

«SSP-Marqand» унитар корхонасининг бошқа ишланмалари, жумладан, янги «Мобил коммунал инспектор» электрон тизими ҳам эътиборга лойиқдир. Ушбу инновация тизим тижорат банклари ҳодимлари аҳолидан коммунал хизматлар учун тўловларни реал вақт режимида нақд пул ва пластик картонча орқали қабул қилишни ташкил этиш, шунингдек, чакана савдо шўхобчаларида товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконини беради. Айни пайтда тизим пойтахтнинг Юнусобод ва Учтепа туманларида, Самарқанд шаҳрида синовдан ўтказилмоқда.

Бугунги кунда қўллаб қорхоналар ахборот технологияларини қўллашни ўз бизнеси самарадорлигини ошириш имконияти сифатида қўриб қилинмоқда. Бу бозор иқтисодиётига ўтишини сифат жиҳатидан янги босқич эканидан далolat беради. Зеро, янги дастурий махсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш кичик бизнес ва хўсуий тадбиркорлиги янада ривожлантиришда қўшимча омил бўлиб хизмат қилимоқда.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ЎЗИНИНГ БОЙ ТАРИХИ ВА БУГУНГИ НУФУЗИ БИЛАН ФАХРЛАНСА АРЗИЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бенедек ПЕРИ, Этвос Лоранд номидаги Будапешт университети профессори (Венгрия):

Дунёнинг элликка яқин мамлакатидан олимлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, профессорлар, илмий марказлар ва институтлар мутахассисларини бир жойга тўплаган халқаро конференция ҳар жиҳатдан самарали бўлди. Унда ўрта асрлар Шарқ алломаларининг дунё тамаддунида тутган ўрнини ўрганиш билан бирга мамлакатингизда миллий кадриятларни тиклаш, фан ва таълим тизимини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш имконига эга бўлдик.

Ўзбекистон мен учун жуда қадрли юрт. Мен бу ерга 30 йил аввал ҳам келган эдим. Истиқлол йилларида халқингиз фахрланса арзигулик улкан муваффақиятларни қўлга киритганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу Президент Ислам Каримов раҳнамолигида узокни кўзлаб олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг самарасидир.

Мамлакатингизда давлат бюджетининг қарийб 35 фоизи таълим-тарбия соҳасига йўналтирилаётгани таҳсинга сазовор. Таълим ва маданият соҳаларига бундай улкан эътибор қаратаётган юртинг келажаги албатта буюк бўлади.

Самарқанддаги қатор таълим даргоҳлари, жумладан, Самарқанд автомобилсозлик ҳамда Енгил саноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежларида бўлиб, бу ердаги ўқув муассасалар барча зарур шартларга эга эканини кўрдик. Энг муҳташам ва кўркем бинолар мактаб ва коллежлар экан. Улар замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган. Ўзбекистон ёшлари исталган мавзу бўйича баҳслаша оладиган чуқур тафаккур ва билимга эга эканига амин бўлдик.

Бруно БОДЕНБЕРГ, Дортмунд университети профессори (Германия):

Илм-фани ривожлантириш, олимлар сифини кенгайтириш, ҳар соҳада профессионал кадрларни етиштириш жаҳоннинг барча мамлакатлари учун бирдек долзарбдир. Шу нукта назардан «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси» унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция муҳим аҳамият касб этди. Бинобарин, ушбу конференция жаҳонда фан-таълимни янада ривожлантиришга, ўрта асрлар Шарқи буюк алломаларининг илмий меросини, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини ўрганиш ва оммалаштиришга улкан ҳисса қўшади.

Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Ўзбекистонни, мўъжизавий шаҳарларингизни кўриб, миллий урф-одатларингиз билан танишиб, ўлкангизга мафтун бўлиб қолдим. Ўзбекистон сехрили дийр, Самарқанд эртақлар шаҳри экан. Мамлакатингизда ноёб муҳандислик лойиҳалари асосида яратилган обидалар, ҳайратомуз миноралар, халқ амалий санъати дурдоналарини кўриб ҳайратландим. Айниқса, Регистон ансамбли, Амир Темури мақбараси ва бошқа обидаларнинг бетакорр меъморий услуби асл ҳолида сақланиб келаётгани жуда ҳайратланарли.

Нишат МАНЗАР, Жамия Миллия университетининг тарих ва маданият факультети доценти (Ҳиндистон):

Илм ўчоғи сифатида олим фузалоларни ҳамиша ўзига қорлаб келган қадимий Самарқандда бўлиб ўтган халқаро конференцияда иштирок этганимдан жуда бахтиёрман. Бу ерда бир вақтнинг ўзида тарихий ва замонавий шаҳарни кўриш мўкин. Кўп асрлик қадимий биноларни кўриб, узок ўтмишга саёҳат қилсангиз, янги бино ва иншоотлар бугунги давр тараққиёти, фан-техника имкониятларидан далolat беради.

Ўзбекистонда шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, сайёҳлик, маданият соҳаларини тараққий эттириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Дунёнинг кўп мамлакатларида бўлганман, лекин ўзбек халқидек меҳмондўст, дастурхони доимо очик эли кўрмаганман. Бу юртингиздаги тинчлик-осойишталик, халқингизнинг фаровон турмушидан далolat беради. Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, тинчлик ва барқарорлик бўлмаса, ҳеч қандай ўсиш, тараққиёт бўлиши мўкин эмас. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишловотлардан бошқа мамлакатлар ҳам ўрناق олса арзийди.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар изчил ривожланмоқда. Ҳиндистонда Ўзбекистон маданияти ва тарихига қизиқиш жуда катта. Ҳиндистонликлар ўзбек заминида туғилиб ўсган буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижодини, асарларини катта қизиқиш билан ўрганадилар.

Халқаро конференцияда Абдураззоқ Самарқандий асарлари ҳақида маъруза қилдим. Аллома тарих ва тил-адабиёт фанлари бўйича чуқур маълумот эгаси бўлган. Унинг «Матлаъи саъдайн» асари ўз даврида шўҳрат топган ва бир қанча тарихнавислар томонидан эътироф этилган. Бу асар, шунингдек, Темирийлар даври ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва халқаро муносабатлари тарихига оид нодир ва ишончли манба сифатида ҳам Европада танилган.

Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди

Спорт янгиликлари

ПАХТАКОРЧИЛАР —
ОЙ ЛАУРЕАТЛАРИ

Ҳар ойда оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида уюштирилладиган «Ойнинг энг яхши футбол мураббийи ва футболчиси» номинацияси ғолиби номи маълум қилинади.

Футбол мухлисларининг ёдида бўлса, март ойда энг яхши мураббий деб «Пахтакор» жамоаси менежери Самвел Бабаев ҳамда шу жамоанинг мохир ёш ҳужумчиси Игорь Сергеев эътироф этилган эди. Яқинда апрель ойининг энг яхши мураббийи ва футболчиси номи

эълон қилинди.

Унга кўра энг яхши мураббий деб яна «Пахтакор» жамоаси менежери Самвел Бабаев топилган бўлса, айнан «Пахтакор» ярим ҳимоячиси Егор Кривец апрель ойидаги энг яхши чарм тўп устаси деб эълон қилинди.

Ахборот ЭРНАЗАРОВ

Маълумки, келгуси йилнинг январь ойида Австралияда футбол бўйича Осиё чемпионати уюштирилади.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ
ЎТКАЗИЛАДИ

Ушбу нуфузли турнирда Миржолал Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Осиё чемпионатида пухта тайёргарлик кўриш мақсадида миллий терма жамоаси бошқа терма жамоалар билан нозират-ўртоқлик учрашувларида ўзаро куч синашади.

Жорий йилнинг 25-27 май кунлари юртимизга Уммон миллий терма жамоаси ташриф буюради. Терма жамоамизнинг уммонлик чарм тўп усталарига қарши уюштирилган дастлабки ўртоқлик баҳси Олма-

лида ўтказилади. Шу кунги футболимиз фахрийлари, терма жамоамиз шарафини кўп йиллар ҳимоя қилган чарм тўп усталари Мақсуд Шайхон, Улугбек Бақоев ҳамда Виктор Карпенко сўнгги марта миллий терма жамоаси либосида майдонга тушишади. Аниқ қилиб айтганда ушбу учрашув мохир футболчиларимизнинг терма жамоадаги сўнгги хайрлашув учрашуви бўлади.

Уммон терма жамоасига қарши кечадаги иккинчи ўртоқлик беллашуви 27 майда пойтахтимиздаги «Жар» стадионида бўлиб ўтади.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

«Туркистон»

саройининг ёзги майдонида «Ёшлик баҳори» республика ёш опера ижрочилари ва симфоник мусиқа фестивалининг гала-концерти бўлиб ўтди.



Отабек Мирзабеков (ўра) олган суратлар

Мамлакатимизда иқтидорли ёшлар кўп. Ёшларимиз халқаро фан олимпиадаларида юксак натижалар кўрсатиб, турли спорт мусобақаларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда. Нуфузли кўрик-танлов ва фестивалларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Бундай ютуқларга Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларнинг ўз маҳоратини намоиш этиши, қобилиятини юзага чиқариши учун зарур шароитлар яратилган қаратилган давлат сиёсатининг амалга оширилаётгани туфайли эришилмоқда.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентини ташаббуси билан таъсис этилган «Нихол» мукофоти истеъдодли ёшларни аниқлаш, уларга катта саҳналарда ўз маҳоратини намоиш этишга кўмаклашиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ҳам Ватанга муҳаббат туйғуси билан йўғрилган, халқимиз маънавий ҳазинасини бойитишга ҳисса қўшадиган сермизмун, бадиий пишиқ қўшиқлар яратишга хизмат қилаётган.

2014 йилдан «Ёшлик баҳори» республика ёш опера ижрочилари ва симфоник мусиқа фестивали ҳам шундай кенг қўллаб-қувватланган тадбирлар қаторидан жой олди. «Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ ўтказилган ушбу фестиваль Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирини М.Ҳошимов ушбу санъат байрами ёшларнинг мусиқий-эстетик дидини шакллантириш, уларни миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг энг яхши намуналари билан таништириш, истеъдодли ёшларга ўз маҳоратини намоиш этиши учун кенг имконият яратиб беришда муҳим ўрин тутганини таъкидлади.

Фестивалнинг жорий йил март-апрель ойларида ўтказилган саралаш босқичларида эллидан зиёд хор ғуруҳ-

лари ва яккахон опера ижрочилари иштирок этди. Улардан йигирма нафардан ортиги яқини гала-концертда қатнашш ҳуқуқини қўлга киритди. Бундан ташқари, 90 нафар истеъдодли ёш мусиқачи саралаб олинди, Ўзбекистон Ёшлар симфоник оркестри таркибига киритилди. Айнан ушбу ёш истеъдод соҳиблари фестивалнинг биринчи

2014 йил — Соғлом бола йили

ЁШЛИК ВА САНЪАТ
БАЙРАМИ

гала-концертини муваффақият билан ўтказиб, миллий ва жаҳон опера санъатининг энг яхши асарларини томошабинлар эътиборига ҳавола қилди.

— Опера асарлари яратган бастакорларнинг машаққатли меҳнати таҳсинга лойиқдир, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Исмоил Жалилов. — Шу билан бирга, асарни ижро этадиган санъаткордан ҳам катта маҳорат талаб этилади. Асар маҳорат билан ижро этилсагина унинг асосий ғоясини тингловчи қалбига етказиш мумкин. Гала-концерт мамлакатимизда иқтидорли ёшлар кўпчилигини, опера санъати эса жадал ривожланиб бораётганини яққол кўрсатди.

Иштирокчилар нафақат миллий, балки халқаро танлов ва мукофотлар ғолиб ҳамда совриндорлари экани тадбирнинг нуфузини янада оширди. Ўлар орасида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри яккахон ижрочилари Рамиз Усмонов ва Самандар Алиев ҳам бор. Ушбу ёш ижрочиларнинг миллий ва халқаро опера санъати анъаналарини бойитиш ҳамда муносиб давом эттиришга қўшган ҳиссаси нафақат мамлакатимиз, балки хо-

рижий давлатларда ҳам эътироф этилган. 2011 йилда «Competizione dell'Opera» халқаро хонандалар танловида 150 нафардан зиёд иштирокчи орасида биринчи ўринни эгаллаган Раҳим Мирзабеков, «Нихол» мукофоти совриндори, 2013 йилда ўтказилган «Романсида» халқаро хонандалар танлови ғолиби Умид Исроилоннинг ижроси опера ихлосмандларида катта таассурот қолдирди.

Фестивалнинг кичик ёшли иштирокчилари ҳам томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Масалан, италийлик композитор Д.Каччинининг «Аве Мария» композициясини ижро этган В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи хор жамоасининг чиқиши барчага манзур бўлди.

— Мамлакатимизда опера санъатини янада оммалаштириш ва ривожлантиришга қаратилган ушбу фестивалда катнашганимдан жуда хурсандман, — дейди «Нихол» мукофоти ва халқаро танловлар совриндори Маъсума Болтабеова. — «Ёшлик баҳори» фестивали туфайли биз, ёшлар ижодий салоҳиятини намоиш этиш имкониятига эга бўлдик. Бугун «Туркистон» саройининг ёзги майдонида бирорта ҳам бўш ўрин қолмади. Бу юрдошларимизнинг мусиқа санъатини яхши кўришидан далолат беради.

Фестивалда Ўзбекистон Ёшлар симфоник оркестрининг турли мусиқий асбобларда турли даврларда ёзилган мумтоз ҳамда замонавий мусиқа асарларини маҳорат билан ижро этиши ҳам томошабинларда катта таассурот қолдирди.

— Тинчлик ва оқоилиш ҳукм сураётган мамлакатимизда ёшларнинг баркамол вояга етиши ва санъатнинг янада ривожланиши учун кенг имконият ва шароитлар яратилган, — дейди ижодий кеча иштирокчиларидан бири, халқаро танловлар совриндори, дирижёр Камолитдин Ўринбоев. — Биз мана шундай эътибор ва ғамхўрликка ҳақиқат муносиб бўлишимиз лозим.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири

«101»

ТАРҒИБОТНИНГ ЎРНИ
МУҲИМ

Инсоният ҳаётида оловнинг фойдали томонлари кўп, бироқ айрим ҳолларда у фалокатга олиб келиши ҳам мумкин. Ҳар хил сабаблар туфайли содир бўладиган ёнғинлар катта офатлардан саналади. Айни шу фалокат сабабли ҳар йили дунё бўйлаб қанчалар кишилар бошпанасиз қолади, кимлардир саломатлигидан айрилади, бировлар бевақт нобуд бўлади.

Турли корхона ва ташкилотлар биноларида юз берган ёнғинлар кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодийётга ҳам салбий таъсир келтиради.

Маълумки турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларда бепарво инсонларнинг қўли бор. Лоқайдликни кечирмайдиган олов, бир неча сонияларда борлиқни кулга айлантиради, инсонлар умрига жиддий хавф солади. Масалан, содир бўлаётган ёнғинларнинг ақсарияти газ ва электр ускуналардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, мўриконларни ўз вақтида тазаласлик ва хазонларнинг ёқиб юборилиши натижаларида келиб чиқади.

Пойтахтимизда жорий йилнинг ўтган 3 ой мобайнида 271 та содир бўлган ушбу ёнғинларда 13 нафар инсон жиддий тан жароҳат олган, 7 киши ҳалок бўлган. Ёнғинларнинг ақсарияти Олмазор туманида — 35 та, Мирзо Улуғбек туманида — 34 та, Шайхонтоҳур туманида — 33 та, Юнусовод туманида — 32 та юз берган. Етказилган моддий зарар 156444000 сўмини ташкил этади.

Хонадонларда, корхона ва турли масканларда содир бўлаётган ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида корхона, ҳўжалик ва ташкилотларнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Шунингдек, ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан мавжуд бўлган мактабга таълим муассасалари, мактаб ва бошқа таълим масканларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Ҳар бир ўтказилаётган тадбирларда аҳолига доимо ўз хонадонидида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ва фарзандларига ҳам ўқитиб бориш, газ ҳамда электр ускуналарини текшириб туриш, телевизор, даямол, газ плиталарини ўз вақтида ўчириб, эҳтиёткорлик чораларини кўриш каби ишларга маъсулиятли ёндашиш ҳақида эслатиб борилади.

Санджарим УРАЛБАЕВ,
12-ХҲХ, 23-ХҲХ
кичик инспектори, кичик сержант

«Фалокат оёқ остида», дейдилар. Ана шундай қутилмаган вазиятларга тушиб қолган инсонларга руҳий мадад бериш, уларнинг ҳаётини сақлаб қолишда ва бошқа хавфсизлик тадбирларининг кўнгилдагидек амалга оширилишида пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «1050 – Қутқарув хизмати» бошқармаси ходимларининг ҳам муайян ҳиссаси бор. Бунга мисоллар етарли. Бошқарма қутқарувчилари яқинда бўлиб ўтган қуйидаги воқеани сўзлаб беришди.

Шаҳар «1050 – Қутқарув хизмати»
бошқармаси фаолиятидан

ЧИНАКАМ ХАЛОСКОРЛИК

Апрель ойининг охири кунлари ёмғир ёғиб турган эди. Шу кунги эрталаб соат 9.00 лар атрофида Тошкент шаҳар «1050 – Қутқарув хизмати» бошқармаси навбатчилик қисмига Бектемир туманидан қудуқ ичидаги одамни тупроқ босиб қолгани тўғрисида ташвишли хабар тушди. Бошқарма кидирув-қутқарув гуруҳи бошлиғи Баҳодир Исоқов раҳбарлигидаги халоскорлар гуруҳи зудлик билан ҳодиса рўй берган жойга қараб отланиди. Воқеа жойига етиб келган тезкор-қутқарув гуруҳи ходимлари ажиб манзаранинг ғувоҳи бўлишди. Маълум бўлишича, Бектемир тумани, «Гулзор» маҳалласидаги Автомобилчи кўчаси, 304-уйда истиқомат қилувчи 1973 йилда туғилган хонадон соҳиб-би Турғунбой Дадаев ҳовлисидаги бостирма яқинида сув чиқариш мақсадида қудуқ қавлатигада ўранинг ён томонларидан қумли тупроқ ўпирилиб, танасининг ярмигача босиб қолган экан.

— Қудуқ ичида мадад қутиб ётган жабрланувчини кўрқув хисси қамраб олган, нам ҳавонинг рутубати туфайли Т. Дадаевнинг ранглири заъфарон тусга кирган эди, — дея

ҳикоя қилади кидирув-қутқарув гуруҳи бошлиғи Б. Исоқов. — Бизни кўриб, унинг юз-кўзида умид учкунлари пайдо бўлди.

Қўл тоифали қутқарувчилар Рустамжон Алимов, Хуршид Соипов ҳамда ҳайдовчи-қутқарувчи Бобур Умаровлар бу ердаги вазиятни тезда ўрганишиб, қутқарув ишларини олиб боришга киришилди. Салкам тўрт метр қучуқликдаги қудуқнинг устига йўғон тўсин ташлаб, шу орқали ўрага тушишиб, қалдиз вазиятда қолган жабрланувчига руҳий мадад бериб, тинчлантиришга ҳаракат қилишди. Шундан сўнг, кўп тоифали қутқарувчилар Рустамжон Алимов узун арқондан махсус тугун ясаб, жабрдийданинг бошига хавфсизлик каскасини кийдириб ва ҳеч бир ҳисса етказмаган ҳолда секин-аста юқорига олиб чиқишди ва дарҳол қутқарув машинасида касалхонага ётқизишди.

Этиборли жиҳати шундаки, ўша кунги ёмғир шивалаб ёғар, ноқулай об-ҳаво шароити иш сифатига қисман салбий таъсир кўрсатаётган бўлса-да, жасоратли қутқарувчиларнинг маҳорати туфайли Т. Дадаевнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Азамат СУЙОНОВ

ЎСМИР-ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ
ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА
ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА

Ватанни ҳимоя қилиш – шарафли ва муқаддас бурч. Юрта фидойилик, эл тинчлиги ва оқоилишати учун камарбаста бўлиш ҳиссини ёшлиқдан шакллантириш бениҳоя муҳимдир. Ўзбекистон Мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидати Сергели ўқув спорт-техника клуби унитар корхонаси жамоаси бу борада қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

— Элу юрта садоқатли, жисмонан соғлом ва баркамол фарзандларни тарбиялашга кўмаклашиш, бўлгуси аскарларнинг замонавий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш асосий вазифа ҳисобланади, — дейди Сергели ўқув СТК унитар корхонасининг Маънавият, ташкилий, оммавий ишлар ва ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи бўйича бошлиқ ўринбосари Баҳодир Ёриев. — Ёшларни техник ва оммавий спорт турларида, турли хил мусобақаларга жалб этиш нафақат соғлом ва баркамол бўлишнинг, балки қаҳирқача ҳарбий тайёргарлик тизимининг ажралмас қисмидир. Мисол учун, ўсиб келаётган авлод ўртасида ўтказилаётган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари ўсмир-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, уларнинг ҳарбийлик касбига бўлган билим ва кўникмаларини оширишга, спортга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Сергели ўқув СТК унитар корхонаси томонидан туман мудоффа ишлари бўлими ва «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши билан ҳамкорликда «Шунқорлар» мусобақаси ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Мазкур беллашувлар бу йил ҳам юксак савияда, қизиқарли ўтди. Унда 9 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари ўзаро беллашдилар. Мусобақа шартларига кўра, иштирокчилар югуриш, туришда тортитиш, мерганлик каби спорт турлари бўйича беллашилди. Тест саволларида тўғри жавоб беришда ўз билимларини синаб кўришди. Ғолиблар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Шубҳасиз, бундай тадбирлар қаҳирқача бўлган ёшларни Ватан ҳимоясига ва ҳарбий ўқув юрталарига киришга, уларнинг жисмоний тайёргарликларини яхшилашга, пировардда эса уларда ҳарбий-ватанпарварлик ҳис-туйғуларини кучайтиришга хизмат қилади.

Элёрбек ИСМОИЛОВ

РЕКЛАМА ВА ЁШОНЛАР

«КО» CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бериш тартибиди ўтказилаётган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан, ФИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2013 йил 16 майдаги 1-1677/13-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 20-дахарси, 47-уй манзилида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 58,65 кв.м., яшаш майдони 28,71 кв.м бўлган 2 хонадан иборат 50-хонадон қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 84 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 24 июнь кунини соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушди). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2014 йил 20 июнь кунини соат 18:00.

Қўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko» chmas Mulk Savdo Xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Савбон ф-даги 2020800090492060914, МФО: 01036, СТИР: 207122519 x/рга тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказилаётган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корхона кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-84-48. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

ТАДБИРКОРЛАР
ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ойнанинг ҳар биринчи ва учинчи шанба кунлари соат 10:00 дан 12:00 гача Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 2а-уй манзилида жойлашган бинода тадбиркор субъектларининг фаолиятига қулай шароитлар яратиш мақсадида «Очиқ эшиклар кунини» ўтказилишини маълум қилади.

БОШҚАРМА МАЪМУРИЯТИ.



Ўзгидрометнинг мошторинг хизмати маълумотига кўра, 22 май ва 23 май эрталаб Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмоқда. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фазис пайоши ташмин қилинмоқда, тағмиқдорни наст бўлади.

Тошкент шаҳрида 22 май кунини ҳаво ўзариб туради, ҳаётда зарарли моддаларнинг ёнғингарчилик бўлмайди. Ҳарбидан ширққа томон секундуида 7-12 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи — 23-25 даража иссиқ бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси, 32



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.ru

Буюртма Г- 556

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар 233-28-95
факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12091 нусхада босилди.
Қороз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акматали АҚМОВ

Тошириш вақти: 13.00 Босишга тоширилди: 14.40